



[Joriy holati](#)

[Rahbar malumotlari](#)

[Tasischilar](#)

[Ilova hujjatlari](#)

[Yuridik manzil](#)

[Guvohnoma](#)

[Arizachiga yuboriladigan fayllar](#)

[Chop etish](#)



Adliya vazirligi

(ro'yxatdan o'tkazuvchi organing nomi)

Nodavlat notijorat tashkilotini davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

953 -son 2020 yil « 06 » Oktyabr

Nodavlat notijorat tashkilot nomi: O'ZBEKISTON MADANIYAT, SPORT VA TURIZM XODIMLARI KASABA UYUSHMASI

Faoliyat hududi: Respublika NNT

(NNT faoliyati tatbiq etiladigan hudud (viloyat,tuman,shahar,shaharcha va ovul))

Tashkiliy-huquqiy shakli : 210-Jamoat birlashmasi

(NNTning jamoat birlashmasi, jamoat fondi, muassasasi, assotsiatsiyasi(uyushmasi) va birlashmasi)

KTUT: 30105340

STIR: 207327602

Faoliyatining asosiy maqsadlari: o'z a'zolarining ijtimoiy-iqtisodiy, mehnat, mehnatni muhofaza qilish sohasidagi huquq va manfaatlarini himoya qilish hamda ifodalashdan iborat.

Qo'shimcha ma'lumotlar

Mazkur tashkilot 16.10.2025-yilda 953p-son bilan qayta ro'yxatdan o'tkazilgan

Vazir o'rinbosari



IKRAMOV MUZRAF

“ҚАЙТА РУЙХАТДАН
ЎТКАЗИЛДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
2025 йил 10-октябрь “953”н-сон

Ўзбекистон маданият, спорт
ва туризм ходимлари касаба
уюшмаси II-Курултойининг
2025 йил 8 августдаги
II-11 сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ, СПОРТ ВА ТУРИЗМ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ
УСТАВИ**

(янги тахрирда)

Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси *(бундан буён матнда “Касаба уюшмаси” деб юритилади)* мулкчилик шаклидан қатъий назар маданият, спорт ва туризм соҳасига қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларда *(бундан буён матнда “ташкилот” деб юритилади)* фаолият тури бўйича умумий манфаатлар билан бирлашган ходимлар, талаба ва ўқувчи-ёшлар, қисман иш билан банд бўлганлар, ишламайдиган пенсионерларнинг *(бундан буён матнда “касаба уюшмаси аъзолари” деб юритилади)* ихтиёрий асосда тузилган, ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

1.2. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади, республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри)да ҳудудий Бирлашган қўмиталарга эга *(бундан буён матнда “ҳудудий Бирлашган қўмита” деб юритилади)*.

1.3. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг таъсис ҳужжатлари, шунингдек, мазкур Устав асосида амалга оширади.

Ушбу Устав қоидалари касаба уюшмасининг барча аъзолари, шунингдек қуйидан юқоригача барча касаба уюшмаси ташкилотлари учун мажбурийдир.

1.4. Касаба уюшмаси, унинг ҳудудий Бирлашган қўмиталари, бошланғич ташкилотлари ўз фаолиятида, шу жумладан молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ҳамда улар томонидан назорат қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

1.5. Касаба уюшмаси фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- ихтиёрийлик;
- қонунийлик;
- камситишга йўл қўймаслик;
- мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш;
- тенг ҳуқуқлилиқ;
- ошқоралиқ ва очиқлик;
- коллегиаллик;
- камчилиқни кўпчилиқка бўйсунлиғи;

барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотларининг раҳбар органлари сайлаш асосида шакллантирилиши.

1.6. Касаба уюшмаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат



бирлашмалари ҳамда фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

1.7. Касаба уюшмаси мазкур Уставда белгиланган мақсадларга ҳамда вазифаларга мувофиқ бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиши, халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмалари ҳамда ташкилотларига аъзо бўлиши, шунингдек халқаро касаба уюшмалари бирлашмаларининг (Федерация, Конфедерация, Ассоциация ва бошқалар) таъсисчиси бўлиши мумкин.

Касаба уюшмасининг бошқа мамлакатлар касаба уюшмалари билан ҳамкорликдаги, шунингдек халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмалари ҳамда ташкилотларидаги фаолияти Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг (бундан буён матнда “Федерация” деб юритилади) Уставига, унинг раҳбар органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларига, Федерациянинг касаба уюшмалари умумий фаолиятидаги сиёсатига зид бўлиши мумкин эмас.

1.8. Мазкур Устав қоидалари талқинини бериш касаба уюшмаси Республика Кенгашининг (бундан буён матнда “Республика Кенгаши” деб юритилади), унинг мажлислари оралиғида эса Республика Кенгаши Ижроия кўмитасининг (бундан буён матнда “Ижроия кўмита” деб юритилади) ҳуқуқи ҳисобланади.

Мазкур Устав қоидаларига берилган талқиндан норози бўлган манфаатдор тараф Федерацияга мурожаат қилишга ҳақли бўлиб, бунда Федерация томонидан берилган талқин яқуний талқин ҳисобланади.

1.9. Касаба уюшмасининг номланиши:

ўзбек тилида: Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси;

рус тилида: Профессиональный союз работников культуры, спорта и туризма Узбекистана;

инглиз тилида: The Trade Union of Culture, Sports and Tourism Workers of Uzbekistan;

1.10. Касаба уюшмасининг доимий фаолият юритувчи раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили):

Ўзбекистон Республикаси 100029, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 24-уй.

II. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Касаба уюшмасининг асосий мақсади ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий маърифий, меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилишдан иборат.

2.2. Касаба уюшмасининг асосий вазифалари:

- касаба уюшмаси аъзосининг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши учун курашиш, касаба уюшмаси аъзоларига бепул ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳатлар бериш;

- иш берувчилар билан тармоқ (лозим бўлганда ҳудудий) жамоа келишувлари, жамоа шартномалари тузилишига эришиш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- иш берувчилар билан ижтимоий шериклик кўламини кенгайтиришга

қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчилар томонидан ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилингунига қадар касаба уюшмаси билан маслаҳатлашувлар ўтказилишига, тармоқ жамоа келишувларида ҳамда жамоа шартномаларида белгиланган мақсадлар учун ва миқдорларда маблағлар ажратилишига эришиш;

- касаба уюшмаси аъзолари ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ривожлантириш тадбирларини ташкил этиш, ушбу масалаларда давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бирлашмалар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

- маданият, туризм, оммавий жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, санаторийларда даволаш, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ривожлантириш масалаларида давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари, бирлашмалар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

- фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида, расмий веб-сайтларида мунтазам равишда ёритиб боришда иборатдир

III. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Касаба уюшмаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-- ходимлар номидан жамоа музокараларини олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувларини тузиш;

- инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини ва эркин ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий дастурларни шакллантиришда, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини ва тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларнинг энг кам миқдорини белгилашда иштирок этиш;

- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- давлат бандлик дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, бандликни таъминлаш, шу жумладан янги иш ўринларини ташкил қилиш ва мавжудларини сақлаб қолиш, ташкилотларнинг фаолиятини яхшилаш, ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни тақлиф этиш;

- қонун ҳужжатларида ташкил этилиши ҳамда фаолият курсатиш тартиби белгиланадиган меҳнат низолари бўйича комиссияларнинг ишида, шунингдек жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишда иштирок этиш; *

- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига тақлифлар киритиш;

- ўз Устав фаолиятини амалга ошириш учун давлат органларидан, уларнинг мансабдор шахсларидан, иш берувчилардан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий

ҳуқуқ ва манфаатлари масалалари юзасидан бепул ахборот олиш;

- оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

- мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган танлов, тадбир ва анжуманлар ташкил этиш, ўтказиш, касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини рағбатлантириш;

- Уставда белгиланган мақсад ҳамда вазифаларига мувофиқ белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, тижорат ташкилотларини ташкил этиш, ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, турли жамғармаларни шакллантириш;

- рамзий белгиларини таъсис этиш;

- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар, Қурултойлар ўтказиш.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

3.2. Касаба уюшмасининг мажбуриятлари:

- қонун ҳужжатларига риоя этиш;

- иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

- рўйхатдан ўтказувчи орган вакилига ўзи ўтказаетган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

- ўз аъзолари олдида камида бир йилда бир марта ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериш;

- рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

IV. КАСАБА УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Касаба уюшмаси Устави талабларини тан олувчи ва бажарувчи, аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб борувчи 15 ёшга тўлган ҳар бир жисмоний шахс касаба уюшмаси аъзоси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида яшаётган, маданият, спорт ва туризм соҳасига тааллуқли ташкилотларда меҳнат қилаётган ёки таълим олаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, касаба уюшмасига аъзо бўлишлари мумкин.

4.2. Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш яқка тартибда, аъзоликка кирувчининг шахсий аризасига асосан бошланғич ташкилотнинг умумий

йиғилиши ёки сайлаб қўйиладиган органи мажлисида амалга оширилади.

Йирик ташкилотларда бошланғич ташкилотнинг сайлаб қўйиладиган органи касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ваколатини цех ташкилотлари, касаба уюшмаси гуруҳларига бериши мумкин.

4.3. Бошланғич ташкилот тузилмаган ташкилотлар ходимларини касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ҳудудий Бирлашган кўмиталарининг Раёсатлари томонидан амалга оширилади.

4.4. Касаба уюшмасига аъзолик стажи бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинган кундан ҳисобланади.

4.5. Бошқа тармоқ касаба уюшмаси аъзоси бўлиб маданият, спорт ва туризм соҳасидаги ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаётган ходим ушбу Уставнинг 4.13. бандида кўзда тутилган мажбуриятларни тўлиқ бажариш шarti билан маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиниши мумкин. Бунда касаба уюшмаси аъзоси асосий иш жойидаги бошланғич ташкилотда ҳисобда туради ва статистика ҳисоботларида фақат мазкур бошланғич ташкилот томонидан акс эттирилади.

4.6. Қуйидаги касаба уюшмаси аъзолари бошланғич ташкилот умумий йиғилиши ёки сайлаб қўйиладиган органининг қарорига мувофиқ касаба уюшмасига аъзоликни сақлаб қолишлари мумкин:

- болани, касал ва ногиронларни парвариш қилиш сабабли вақтинча иш фаолиятини тўхтатганлар;

- саломатлиги ёмонлашганлиги ёки пенсияга чиқиб, меҳнат фаолиятини тўхтатган, лекин касаба уюшмаси ташкилоти билан алоқани узмаган ва аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб бораётганлар;

- ходимлар сони (штат) қисқариши, шунингдек, ташкилотнинг тугатилиши сабабли ишдан озод қилинганлар - ишга жойлашгунларига қадар, кўпи билан уч ойгача (фақат тизимидаги ташкилотга);

- иш берувчи томонидан ноқонуний равишда ишдан бўшатирилганлар - қайта ишга тикланган тақдирда.

4.7. Қуролли кучлар сафидан ҳарбий хизматдан қайтганлар, шунингдек республика ҳудудидан ташқарига вақтинча ишга кетганлар қайтиб келгандан сўнг тармоқ тизимидаги ташкилотга ишга жойлашса унинг аризасига асосан касаба уюшмасига аъзолик тикланади.

4.8. Бошқа тармоқ касаба уюшмаси аъзоси бўлган шахс маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти тузилмаган ташкилотга ишга ўтганда, қайтадан тармоқ касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиниши лозим.

4.9. Касаба уюшмаси аъзолари, қоида тариқасида, асосий иш (уқиш) жойларидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида ҳисобда турадилар.

4.10. Ихтиёрий равишда касаба уюшмаси аъзолигидан чиқиб касаба уюшмаси аъзосининг бу ҳақдаги аризасига асосан, бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши ёки сайлаб қўйиладиган органи мажлисида (агар аъзоликка қабул қилиш цех ташкилоти, касаба уюшмаси гуруҳи томонидан амалга оширилган бўлса, уларнинг умумий йиғилиши (сайлаб қўйиладиган органи мажлиси)да) амалга оширилади.

4.11. Касаба уюшмаси аъзолари ушбу Уставда белгиланган тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

4.12. Касаба уюшмаси аъзоси куйидаги ҳуқуқларга эга:

- касаба уюшмаси органларидан бепул ҳуқуқий ёрдам олиш ҳамда давлат, суд ва мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик органларида меҳнат муносабатларига оид масалалар бўйича касаба уюшмасининг ҳимоясида бўлиш;

- ўзининг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб ҳар қандай даражадаги касаба уюшмаси органларига мурожаат этиш ва мурожаати бўйича тегишли жавобни талаб қилиш;

- касаба уюшмаси ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари аъзоларини сайлаш, улар таркибига ўз номзодини таклиф этиш;

- касаба уюшмасининг тадбирларида иштирок этиш, ўз фикрини эркин баён қилиш, ўз фаолияти ва хулқ-атвориغا тааллуқли масала кўрилаётган мажлис, йиғилиш, конференцияларда шахсан иштирок этиш;

- касаба уюшмаси фаолияти ҳақида ахборот олиш;

- тегишли касаба уюшмаси ташкилотларининг раҳбар органлари томонидан белгиланган тартибда маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилиш;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги соғломлаштириш муассасалари (санаторий-курортлар, дам олиш уйлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари)га имтиёзли йўлланмалар олиш, маданият муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланиш;

- шахсий аризасига кўра касаба уюшмаси аъзолигидан чиқиш.

4.13. Касаба уюшмаси аъзоларининг мажбуриятлари:

- касаба уюшмаси Уставига риоя қилиш ва касаба уюшмаси органлари қарорларини бажариш;

- касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш;

- жамоа шартномалари ва келишувлари мажбуриятларининг бажарилишига кўмаклашиш;

- аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориш;

- касаба уюшмаси фаолиятига тўсқинлик қиладиган ва зарар келтирадиган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик.

4.14. Уставда белгиланган мажбуриятларни бажармаган касаба уюшмаси аъзосига нисбатан куйидаги жамоатчилик таъсир чоралари қўлланиши мумкин:

- огоҳлантириш;

- касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариш.

Жамоатчилик таъсир чоралари бевосита ноҳуж хатти-ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ой ичида, лекин у содир этилган кундан олти ойдан кечикмасдан қўлланилади, бунда касаба уюшма аъзоси бетоб еки таътилда бўлган вақт ҳисобланмайди.

Ҳар бир ноҳуж хатти-ҳаракат учун касаба уюшма аъзосига фақат битта жамоатчилик таъсир чораси қўлланилади.

4.15. Касаба уюшмаси аъзосига жамоат таъсир чораларини қўллаш масаласи унинг иштирокида, узрли сабабларсиз келмаган ҳолларда эса, унинг иштирокисиз касаба уюшмаси гуруҳи, цех ташкилоти, бошланғич ташкилот

умумий йиғилишида ёки уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари мажлисларида, шунингдек, юқори касаба уюшмаси ташкилотлари раҳбар органларининг мажлисларида, кейинчалик касаба уюшмаси аъзоси ҳисобда турган бошланғич ташкилотни қабул қилинган қарордан хабардор этган ҳолда, ҳал қилинади.

Касаба уюшмаси аъзосини касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарор Республика Кенгаши Раёсати томонидан ёки у билан келишилган ҳолда тегишли касаба уюшмаси ташкилотининг ваколатли органи томонидан қабул қилинади.

Касаба уюшмаси аъзосига қўлланилган жамоатчилик таъсир чораси ҳақида қарор қабул қилган юқори касаба уюшмаси органи 10 иш кунидан кечикмай ушбу касаба уюшмаси аъзоси ҳисобда турган бошланғич ташкилотни (бирлашган кўмитани, туман бўлинмасини) хабардор қилиши лозим. Хабардор қилиш қарор нусҳасини (қарордан кўчирмани) ёки алоҳида хат ёхуд электрон хабарнома йўллаш шаклида бўлиши мумкин. Хатда ёки электрон хабарномада қарорнинг тартиб рақами, санаси, қўлланилган жамоатчилик таъсир чорасининг тури ва сабаби кўрсатилиши керак.

Касаба уюшмаси аъзоси қарор қабул қилган органга ёзма равишда мурожаат этган тақдирда, мурожаат олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай, унга жамоатчилик таъсир чораси қўллаш тўғрисида қарор нусҳаси тақдим этилади ёки мурожаатида кўрсатган манзилга почта орқали ёхуд электрон кўринишда юборилади.

4.16. Касаба уюшмаси аъзоси жамоатчилик таъсир чораси қўлланилиши устидан, бу тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб бир ой ичида, юқори касаба уюшмаси ташкилотининг раҳбар органига шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Мурожаат мазкур касаба уюшмаси раҳбар органи томонидан бир ойдан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

4.17. Касаба уюшмаси аъзосига нисбатан жамоатчилик таъсир чорасини қўллаган касаба уюшмаси органи, ўз ташаббусига кўра, қарор қабул қилинган кундан бошлаб камида уч ойдан сўнг таъсир чорасини олиб ташлаш масаласини кўриб чиқиши мумкин. Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариш бундан мустасно.

4.18. Суд томонидан жиноят содир этганликда айбланган ва озодликдан маҳрум этилган касаба уюшмаси аъзоси суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан ўзи ҳисобда турган бошланғич ташкилот умумий йиғилиши, сайлаб қўйиладиган органи ёки юқори касаба уюшмаси ташкилоти раҳбар органининг қарори билан аъзоликдан чиқарилади.

4.19. Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган ёки чикқан шахс касаба уюшмаси томонидан ўзининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, бепул ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқига эга эмас. Тўлаган аъзолик бадаллари унга қайтарилмайди.

6 ойдан ортиқ узрsiz сабабларга кўра аъзолик бадалини тўламаган касаба уюшмаси аъзоси касаба уюшмаси аъзолигидан чиққан ҳисобланади (Уставнинг 4.6. бандида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

4.20. Касаба уюшмаси ташкилотининг сайланган органи таркибига (раҳбарлигига) сайланган касаба уюшмаси аъзоси аъзоликдан чикса (чиқарилса), шу вақтдан эътиборан ушбу орган таркибидан чиқарилган (лавозимдан озод

этилган) ҳисобланади.

Агар касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган шахс касаба уюшмаси ташкилотининг сайланган органида ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ҳолда вазифани бажарадиган лавозимга (раис, унинг ўринбосари ва бошқалар) сайланган бўлса, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган шахс касаба уюшмаси ташкилотининг сайланган органида ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ҳолда вазифани бажарадиган лавозимга (раис, унинг ўринбосари ва бошқалар) сайланган бўлса, уни бу лавозимдан озод этишда мазкур банднинг иккинчи қисмида белгиланган қоида қўлланилмайди.

4.21. Касаба уюшмаси фаолиятида фаол қатнашганлиги учун касаба уюшмаси аъзолари касаба уюшмаси органлари томонидан белгиланган тартибда маънавий ва моддий рағбатлантирилиши мумкин.

V. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

5.1. Касаба уюшмасининг ташкилий тузилмасини қуйидагилар ташкил этади:

- бошланғич ташкилотлар;
- ҳудудий Бирлашган қўмиталар;
- касаба уюшмаси Республика Кенгаши;
- касаба уюшмаси Республика Кенгашининг аппарати.

5.2. Касаба уюшмаси тизимида хотин-қизлар, ёшлар билан ишлаш ва бошқа кенгашлар, комиссиялар тузилиши мумкин, уларнинг фаолияти Республика Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланадиган тегишли Низом асосида амалга оширилади.

VI. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

6.1. Бошланғич ташкилот бир ёки бир нечта иш берувчида ишлайдиган ёки таълим муассасасида ўқийдиган касаба уюшмаси аъзолари томонидан, таъсис йиғилиши ёки конференциясида ташкил этилади.

Бошланғич ташкилот тузилмаган ташкилотларда камида 2 нафар ходим ушбу Уставнинг 4.1.-4.3. бандларида белгиланган тартибда касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинади.

6.2. Бошланғич ташкилот юридик шахс мақоми билан ёки юридик шахс мақомисиз ташкил этилиши мумкин. Юридик шахс бўлган бошланғич ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ташкил этилган ҳисобланади.

6.3. Бошланғич ташкилот ўз фаолиятини ушбу Уставнинг Республика Кенгашининг Раёсати томонидан тасдиқланадиган "Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида Низом"га мувофиқ олиб боради.

6.4. Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг қарорига мувофиқ ташкилотнинг тузилмавий бўлинмаларида цех ташкилотлари, касаба уюшмаси гуруҳлари тузилиши ҳамда уларнинг ваколатлари белгиланиши мумкин.

6.5. Бошланғич ташкилотларнинг, шу жумладан юридик шахс мақомига эга бўлмаган бошланғич ташкилотларнинг ҳисоби улар касаба уюшмаси хизматида бўлган ҳудудий бирлашган кўмиталари томонидан, умумийлаштирилган ҳисоби-Республика Кенгаши томонидан юритилади.

6.6. Қуйидагилар бошланғич ташкилотнинг органлари ҳисобланади:

- умумий йиғилиш (конференция) - олий органи;
- касаба уюшмаси кўмитаси раиси;
- касаба уюшмаси кўмитаси - коллегиял раҳбар органи;
- касаба уюшмаси ташкилотчиси - фаолиятини яқкабошчилик асосида олиб боровчи раҳбар органи;
- тафтиш комиссияси - коллегиял назорат органи.

Йирик бошланғич ташкилотларда коллегиял ижроия органи - касаба уюшмаси кўмитасининг раёсати сайланиши мумкин ва у "Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида Низом"га асосан фаолият юритади.

6.7. Касаба уюшмаси аъзолари сони 15 нафар ва ундан ортиқ бўлган бошланғич ташкилотларда - касаба уюшмаси кўмитаси, 15 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотларда касаба уюшмаси ташкилотчиси сайланади.

Касаба уюшмаси аъзолари сони 15 нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳисоб-варағига эга бошланғич ташкилотларда ҳисобчи штати жорий этилади ва тафтиш комиссияси сайланади, ғазначи тайинланади.

Бошланғич ташкилот коллегиял раҳбар, ижроия органлари таркибига, шунингдек касаба уюшмаси кўмитаси раиси ва раис ўринбосари, касаба уюшмаси ташкилотчиси лавозимларига фақат ушбу бошланғич ташкилотда ҳисобда турган касаба уюшмаси аъзолари сайланиши мумкин, ушбу қоида тафтиш комиссиясига нисбатан тадбиқ этилмайди.

Иш берувчилар ва уларнинг вакиллар (*жамоа шартномасини имзолашда иш берувчининг вакили сифатида иштирок этган шахслар*) касаба уюшмаси раҳбар органларининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Бошланғич ташкилот раҳбар ва назорат органларининг ваколат муддати 5 йил.

Форс-мажор ҳолатларида ёки қонунчиликда белгиланган бошқа чекловлар жорий қилинганда юқори касаба уюшмаси органининг қарорига мувофиқ бошланғич ташкилот раҳбар ва назорат органларининг ваколат муддатлари узайтирилиши мумкин.

6.8. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши:

- бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси аъзоларини (уларнинг дублёрларини), кўмита раиси, раис ўринбосари, касаба уюшмаси ташкилотчисини (банкда ўз ҳисобварағига эга бўлган бошланғич ташкилотларда - тафтиш комиссияси аъзолари ва унинг раисини) сайлайди (ғазначини тайинлайди);

- касаба уюшмаси кўмитаси, касаба уюшмаси ташкилотчисининг шунингдек, мавжуд бўлса тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади ва баҳо беради;



- Федерация ва тармоқ касаба уюшмаси тизимида амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга зид бўлмаган ўз меъёрий ҳужжатларини қабул қилади, шунингдек уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритади;

- жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллайди;

- юқори касаба уюшмаси ташкилоти конференциясига делегатларни, сайлаб қўйиладиган органлари таркибига вакилларни сайлайди;

- бошланғич ташкилотни қайта ташкил этиш, тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- бошланғич ташкилот тассарруфида тижорат ташкилот(лар)ини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади (фақат юридик шахс бўлган бошланғич ташкилотларда).

6.9. Умумий йиғилишни ўтказиш имконияти бўлмаган бошланғич ташкилотларда (таркибий тузилмалари тарқоқ ҳолда жойлашган, шунингдек йирик ташкилотларда) касаба уюшмаси кўмитасининг қарори билан конференция чақирилиши мумкин. Конференцияга вакиллик меъёри ва делегатларни сайлаш тартиби шу конференцияни чақирган ваколатли орган томонидан белгиланади.

Конференция бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши учун белгиланган ваколатларга эга.

Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси раиси ва раис ўринбосари (агар мавжуд бўлса) лавозимига кўра бошланғич ташкилот конференциясининг делегати ҳисобланади.

6.10. Бошланғич ташкилот ҳисобот-сайлов конференцияси қарорига мувофиқ делегатларнинг ваколатлари кейинги ҳисобот-сайлов конференциясигача сақлаб қолиниши мумкин.

6.11. Бошланғич ташкилот умумий йиғилиши (конференцияси) заруриятга кўра, лекин бир йилда камида бир мартаба ўтказилади.

Умумий йиғилиш (конференция)ни ўтказиш санаси, вақти, жойи ва кун тартиби ҳақида камида 10 кун аввал маълум қилинади.

6.12. Бошланғич ташкилотнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (конференцияси) куйидагилар томонидан чақирилиши мумкин:

- касаба уюшмаси ташкилотчиси, касаба уюшмаси кўмитасининг ўз ташаббусига кўра;

- юқори касаба уюшмаси органининг қарорига биноан;

- ушбу бошланғич ташкилотда ҳисобда турган касаба уюшмаси аъзоларининг камида учдан икки қисмининг талабига кўра.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш (конференция) касаба уюшмаси ташкилотчиси, касаба уюшмаси кўмитасининг ўз ташаббусига кўра чақирилганда уни ўтказиш санаси, вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисида камида 20 (йигирма) кун аввал маълум қилинади.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш (конференция) юқори касаба уюшмаси органининг қарорига биноан ўтказилиши талаб қилинган ҳолатларда касаба уюшмаси кўмитаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси) юқори ташкилотнинг қарори олинган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунида умумий йиғилиш

(конференция)ни чақириш тўғрисида қарор қабул қилиши ва нусхасини тегишли юқори ташкилотга йўллаши шарт.

Бошланғич ташкилотда ҳисобда турган касаба уюшмаси аъзоларининг камида учдан икки қисми навбатдан ташқари умумий йиғилиш (конференция)ни ўтказишни талаб қилган ҳолларда, касаба уюшмаси кўмитаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси) талаб келиб тушган вақтдан бошлаб 20 (йигирма) кун муддатда навбатдан ташқари умумий йиғилишни (конференцияни) чақириши шарт.

Навбатдан ташқари конференцияга вакиллик меъёри, ўтказиш санаси, вақти, жойи ва кун тартиби уни чақираётган орган томонидан белгиланади.

6.13. Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитасининг йиғилишлари заруратга қараб, лекин 1 йилда камида 2 марта ўтказилади.

6.14. Касаба уюшмаси кўмитаси (ташкилотчиси):

- меҳнат, меҳнат муҳофазаси, маънавият ва маърифат, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш соҳаларида ташкилот ходимларининг манфаатларини ифодалайди ҳамда қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

- юқори касаба уюшмаси органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайди;

- меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантиришнинг жорий ва истиқбол режаларини ишлаб чиқишда, яқка тартибдаги ва жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилишда қатнашади;

- ўрнатилган тартибда жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этади, иш берувчи билан биргаликда лойиҳани тегишли юқори касаба уюшмаси органи экспертизасидан ўтказиши ва кўриб чиқиш учун умумий йиғилиш (конференция)га киритади;

- иш берувчи томонидан қабул қилинадиган меҳнатга оид локал ҳужжатлар лойиҳаларини келишиб беради;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилингунига қадар иш берувчидан касаба уюшмаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси) билан маслаҳатлашувлар ўтказилишини талаб қилади ва ўрнатилган тартибда амалга оширилишига розилик бериш ёки бермаслик масалаларини кўриб чиқади;

- тармоқ жамоа келишувиде, жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масаласини ҳал қилади;

- иш берувчининг амалдаги қонунчиликка зид тарзда қабул қилган қарорлари, буйруқларини белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини кўради;

- амалдаги қонунчиликка биноан, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этади, меҳнат ҳуқуқи, меҳнат ва саломатлик муҳофазаси масалалари бўйича меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади, уларга риоя этилишини назорат қилади;

- бошланғич ташкилот фаолларини ўқитишни ташкил этади;

- касаба уюшмаси кўмитаси зарур (соғлиги туфайли ўз вазифаларини бажара олмаган, лавозимидан озод этиш ҳақида ариза берган) ҳолларда умумий

йиғилиш (конференция) оралиғида касаба уюшмаси кўмитаси раиси, раис ўринбосарини лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин;

- юридик мақомга ва банкда ҳисобварағига эга бўлган тақдирда, ўз ихтиёрида қолдирилган маблағ доирасида, юқори касаба уюшма органи томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, касаба уюшмаси бюджетини, даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди ҳамда бу маблағларни Уставда белгиланган мақсадларга сарфлайди;

- аъзолик бадалларидан чегирмалар белгиланган тартибда ва миқдорда юқори касаба уюшмаси органларига ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини таъминлайди;

- амалдаги Низомлар асосида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини, улар ўртасида маданий-маърифий, оммавий-спорт тадбирларини ташкил қилади;

- ўрнатилган тартибда касаба уюшмаси фаолларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларини ташкил қилади.

Касаба уюшмаси кўмитаси (ташкилотчиси) касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Ижроия кўмитаси томонидан тасдиқланган "Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида Низом"га мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Касаба уюшмаси кўмитаси ўзининг айрим ваколатларини цех ташкилотларига (цех кўмиталарига), касаба уюшмаси гуруҳларига, кўмита раисига бериши мумкин, қонунчиликда бевосита касаба уюшмаси кўмитасига берилган ваколатлар (масалан, ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш ваколати) бундан мустасно.

6.15. Цех кўмитаси ўз фаолиятини ташкилот бўлинмаларида олиб боради, юқори касаба уюшмаси ташкилотлари раҳбар органлари қарорларининг бажарилишини таъминлайди, касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчилари ишини йўналтириб ва мувофиқлаштириб боради.

Ўз ваколати доирасида цех ташкилотининг умумий йиғилишини чақиради, йиғилиш кун тартиби бўйича таклифларни киритади, кўриладиган масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланишини ташкил қилади.

6.16. Касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчиси аъзолар билан якка тартибда иш олиб боради, уларни жамоатчилик ишларида фаол иштирок этишга жалб қилади, меҳнат, ўқиш, малака ошириш, маиший хизмат ҳамда дам олиш шароитларини яхшилаш борасида касаба уюшмаси кўмитасига таклифлар киритади.

Ўз ваколати доирасида якка тартибда қарорлар қабул қилади.

6.17. Бошланғич ташкилот фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор тегишли ҳудудий Бирлашган кўмита билан келишилган ҳолда бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши (конференцияси)да қабул қилинади. Қарор кворум мавжуд бўлгани ҳолда умумий йиғилишда иштирок этаётган касаба уюшмаси аъзоларининг, конференцияда иштирок этаётган делегатларнинг учдан икки қисми қўллаб-қувватлаганда қабул қилинган ҳисобланади.

Қабул қилинган қарор нусхаси умумий йиғилиш (конференция) ўтказилган кундан бошлаб уч иш куни ичида мазкур бошланғич касаба уюшмаси хизматида

бўлган бирлашган кўмигага (туман бўлинмасига) йўлланади.

6.18. Ташкилот тугатилган ҳолда, агар ушбу Уставнинг 6.17. бандида кўзда тутилган тартибда бошланғич ташкилотни тугатиш учун умумий йиғилиш (конференция) ўтказиш имкони бўлмаса, мазкур бошланғич ташкилот касаба уюшмаси хизматида бўлган тегишли бирлашган кўмига уни ҳисобдан чиқаради. Бунинг учун ташкилот давлат реестридан чиқарилганлиги асос бўлади.

6.19. Бошланғич ташкилот тугатилганда барча молиявий мажбуриятлар бажарилгандан сўнг қолган мол-мулки ва маблағлари Уставда белгиланган мақсадларга сарфлаш учун касаба уюшмаси ҳудудий Бирлашган кўмигага ўтказилади.

6.20. Бошланғич ташкилот бошқа тармоқ касаба уюшмаси хизматига ўтган ҳолларда уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмайди.

6.21. Бошланғич ташкилот тугатилган, шунингдек бошқа тармоқ касаба уюшмаси хизматига ўтказилган ҳолда тегишли ҳудудий Бирлашган кўмитанинг ваколатли органи бошланғич ташкилотни касаба уюшмаси хизматидан ва рўйхатдан чиқариш ҳақида қарор қабул қилиши лозим.

6.22. Ташкилотда мулкчилик шакли ўзгарган, қайта ташкил этилган тақдирда, бошланғич ташкилот ва унинг органлари ўз ҳуқуқий мақомини сақлаб қолган ҳолда фаолият кўрсатишни давом эттиради.

VII. Ҳудудий Бирлашган кўмига

7.1. Тармоқ касаба уюшмасининг ҳудуддаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб ва йўналтириб бориш, ҳудуд даражасида тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, Республика Кенгашининг Раёсати қарорига мувофиқ касаба уюшмасининг ҳудудий Бирлашган кўмиталари ташкил қилиниши мумкин.

Ҳудудий Бирлашган кўмитани ташкил этиш Раёсат қарори билан чақириладиган таъсис конференциясида амалга оширилади. Конференцияни ўтказиш муддати, вакиллик меъёри, санаси, вақти, жойи ва кун тартиби уни чақираётган Раёсат томонидан белгиланади.

Ҳудудий Бирлашган кўмига ўз касаба уюшмаси хизматидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб ва йўналтириб боради, уларга фаолиятини самарали ташкил этишда мунтазам равишда амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатади.

7.2. Ҳудудий Бирлашган кўмига юридик шахс мақоми билан ёки юридик шахс мақомисиз ташкил этилиши мумкин. Юридик шахс бўлган ҳудудий Бирлашган кўмига давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ташкил этилган ҳисобланади.

7.3. Бирлашган кўмитани молиялаштириш тартиби, штатлар жадвали ҳамда ходимларнинг иш ҳақи миқдорлари Федерация томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида Республика Кенгаши Раёсати томонидан белгиланади.

7.4. Ҳудудий Бирлашган кўмитанинг раҳбар органларини шакллантириш унинг Конференциясида амалга оширилади.

7.5. Қуйидагилар ҳудудий Бирлашган қўмитанинг раҳбар органлари ҳисобланади:

- Конференция - олий раҳбар органи;
- Бирлашган қўмита - конференциялар оралиғида доимий ҳаракатдаги коллегиял раҳбар органи;
- Бирлашган қўмита Раёсати - Конференциялар оралиғида доимий ҳаракатдаги коллегиял ижроия органи;
- Бирлашган қўмита раиси - фаолиятини яқкабошчилик асосида амалга оширувчи ижро органи;
- Тафтиш комиссияси - фаолиятини коллегияллик асосида амалга оширувчи назорат органи.

Ҳудудий Бирлашган қўмитанинг сайланма органлари ваколат муддати - 5 йил.

7.6. Ҳудудий Бирлашган қўмитани молиялаштириш тартиби, штатлар жадвали ҳамда ходимларнинг иш ҳақи миқдорлари Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида Республика Кенгаши Раёсати томонидан белгиланади.

7.7. Ҳудудий Бирлашган қўмитанинг Конференцияси тегишлича ҳудудий Бирлашган қўмита томонидан беш йилда камида бир марта чақирилади.

Конференцияни ўтказиш санаси ва кун тартиби ҳақида камида бир ой олдин маълум қилинади. Конференцияга вакиллик меъёри, уларни сайлаш тартиби тегишли ҳудудий Бирлашган қўмита томонидан белгиланади.

Ҳудудий Бирлашган қўмита Конференцияни ўтказишнинг аниқ санасини белгилаш ваколатини тегишинча ҳудудий Бирлашган қўмита Раёсатига бериши мумкин.

7.8. Навбатдан ташқари Конференция ҳудудий Бирлашган қўмитанинг қасаба уюшма хизматида бўлган бошланғич ташкилотлардаги қасаба уюшмаси аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талабига мувофиқ, ҳудудий Бирлашган қўмитанинг ўз ташаббусига кўра ёки Республика Кенгаши Раёсати қарорига мувофиқ чақирилиши мумкин.

Бунда Конференцияни ўтказиш санаси ҳамда кун тартиби, вакиллик меъёри ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида қарор Конференцияни чақириётган қасаба уюшмаси органи томонидан, Конференция ўтказилишидан камида ўн беш кун олдин эълон қилинади.

Конференция қарори кворум мавжуд бўлганда, делегатларнинг камида учдан икки қисми қўллаб-қувватлаганда қабул қилинган ҳисобланади ва кучга киради.

7.9. Конференциянинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- ҳудудий Бирлашган қўмита, Тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ва тасдиқлаш;
- ҳудудий Бирлашган қўмитанинг таркибини сайлаш;
- ҳудудий Бирлашган қўмита раисини сайлаш;
- Тафтиш комиссиясининг таркибини ҳамда раисини сайлаш;
- белгиланган вакиллик меъёрига мувофиқ юқори қасаба уюшмаси ташкилоти конференцияси, Қурултойига делегатларни сайлаш;
- юқори қасаба уюшмаси ташкилоти органлари таркибига номзодларни



тавсия қилиш (сайлаш) (агар юқори ташкилот томонидан шундай тартиб ва вакиллик меъёри белгиланган бўлса);

- ҳудудий Бирлашган қўмита фаолиятига оид муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш;

- ҳудудий Бирлашган қўмитани қайта ташкил этиш ёки тугатиш;

Конференция қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ҳудудий бирлашган қўмита раиси (раис ўринбосари) лавозимига кўра ушбу ташкилот конференциясининг делегати ҳисобланади.

7.10. Ҳудудий Бирлашган қўмита мажлислари бир йилда камида бир марта, тегишлича ҳудудий Бирлашган қўмита Раёсати қарори билан чақирилади. Мажлисни ўтказиш санаси, жойи ва кун тартиби лойиҳаси ҳақида камида 3 кун аввал маълум қилинади.

7.11. Ҳудудий Бирлашган қўмитанинг ваколатлари:

- ҳудудий Бирлашган қўмита Раёсатининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ва натижалари юзасидан тегишли қарор қабул қилиш;

- ҳудудий Бирлашган қўмита аъзолари орасидан ҳудудий Бирлашган қўмита Раёсатини сайлаш, уларнинг сон таркибини белгилаш;

- ҳудудий бирлашган қўмита раиси ўринбосарини сайлаш ва лавозимидан озод қилиш (*ҳудудий Бирлашган қўмита мажлислари оралигида раис ўринбосарини сайлаш масаласи кейинчалик ҳудудий Бирлашган қўмита мажлисида тасдиқлаш шарти билан ҳудудий Бирлашган қўмита Раёсати томонидан ҳал қилиниши ҳам мумкин*);

- зарурат туғилган (ўз ҳоҳишига кўра лавозимидан озод этиш ҳақида ариза берган, соғлиги туфайли вазифаларини бажара олмай қолган ва бошқа ҳолларда) ҳудудий Бирлашган қўмита раисини лавозимидан озод этиш ва янги раисни сайлаш (бунга зарурат бўлмаганда эса унинг вазифасини ўринбосар бажаради);

- юқори касаба уюшмаси ташкилоти органлари таркибига сайланган вакилларини чақириб олиш ва янги вакилни йўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

7.12. Ҳудудий Бирлашган қўмита Раёсати:

- ҳудуддаги тегишли иш берувчилар, идоралар билан жамоа музокараларини ташкил қилади, Ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Бош жамоа келишув, тармоқ жамоа келишувлари асосида ҳудудий тармоқ жамоа келишувлари тузилишини ҳамда уларда белгиланган мажбуриятларни бажарилишини таъминлайди, ушбу келишувлар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради;

- қонунчиликда белгиланган тартибда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текширишда, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида, меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этади;

- иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга оширади;

- хууддаги тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини ўрганади, зарур ҳолларда ўрганиш якунларини ўз мажлисларида кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилади;

- ўрнатилган тартибда ҳудудий Бирлашган қўмитанинг сарф-харажатлар сметасини тасдиқлайди ва ижросини таъминлайди;

- амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга ажратилган маблағлар мақсадли сарфланишини таъминлайди;

- хууддаги бошланғич ташкилотлар рўйхатини юритади;

- бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари (конференциялари), республика даражасидаги кўрик-танловларнинг ҳудудий тармоқ босқичларини ўтказилишини мувофиқлаштириб боради;

- юқори касаба уюшмаси органи билан келишган ҳолда, касаба уюшмаси бюджети маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик тузилмаларини ташкил қилиши мумкин;

- ҳудудий Бирлашган қўмита мажлисини чақириш тўғрисида қарорлар қабул қилади, мажлис ўтказиш кунини белгилайди ва кун тартиби юзасидан таклифларни киритади;

- ҳудудий Бирлашган қўмитанинг иш режасини тасдиқлайди;

- касаба уюшмаси ходимлари ҳамда фаолларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг Фахрий ёрликлари, нишонлари билан тақдирлашга тавсия этиш бўйича қарорлар қабул қилади;

Ҳудудий Бирлашган қўмита ваколат берган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Ҳудудий Бирлашган қўмита раиси ҳудудий Бирлашган қўмитага раҳбарлик қилади, бир вақтнинг ўзида тегишли ҳудудий Бирлашган қўмита ва ҳудудий Бирлашган қўмита Раёсатининг раиси ҳисобланади.

7.13. Ҳудудий Бирлашган қўмита раиси:

- ҳудудий Бирлашган қўмитанинг олий ва коллегиал раҳбар органлари олдида ҳисоб беради;

- хууддаги давлат ҳокимияти органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда, оммавий ахборот воситаларида ҳудудий Бирлашган қўмита номидан иш кўради;

- иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар билан тузиладиган меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид келишувларни ҳудудий Бирлашган қўмита номидан имзолайди;

- муассаса ва ташкилотлар раҳбарларидан ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини камситадиган ёки қонун ҳужжатларига зид қарорлари ижросини тўхтатиб қўйишни ёки ўзгартиришни талаб қилади;

- ҳудудий Бирлашган қўмита номидан мурожаатнома ва тавсиялар йўллайди, муаммоли вазиятлар юзасидан тегишли мутасадди ташкилотлар билан музокараларга киришади;

- ҳудудий Бирлашган қўмита номидан юридик ва жисмоний шахслар билан алоқада ишончномасиз ҳаракат қилади ҳамда мулоқот олиб боради;

- ҳудудий Бирлашган кўмита аппарати фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ локал ҳужжатларни тасдиқлайди;
- ҳудудий Бирлашган кўмита аппаратига умумий раҳбарликни амалга оширади, аппарат ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларнинг вазифаларини белгилайди, рағбатлантиради ва интизомий жазо чораларини қўллайди;
- мазкур Уставда белгиланган ваколати доирасида фармойишлар чиқаради;
- ҳудудий Бирлашган кўмита номидан ишончнома беради;
- ҳудудий Бирлашган кўмита Раёсати йиғилишини чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан йиғилишга ҳужжатлар тайёрланиши ва киритилишини назорат қилади;
- ҳудудий Бирлашган кўмита, ҳудудий Бирлашган кўмита Раёсати қарорларини имзолайди;
- ҳудудий Бирлашган кўмита номидан хўжалик ва бошқа шартномаларни тузади;
- тасдиқланган сметага мулк ва пул маблағларини тасарруф этади;
- ҳудудий Бирлашган кўмита томонидан унга берилган бошқа вазифаларни бажаради.

7.14. Ҳудудий Бирлашган кўмита фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш касаба уюшмаси ҳудудий ташкилот Конференциясининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳудудий Бирлашган кўмита фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисидаги касаба уюшмаси ҳудудий ташкилот Конференциясини чақириш Республика Кенгаши раёсати қарори, ҳудудий Бирлашган кўмита қарори ёки ҳудудий бирлашган кўмита бирлаштирган ташкилотлардаги касаба уюшмаси аъзоларининг учдан бир қисмининг талабига мувофиқ чақирилиши мумкин.

Конференция қарори кворум мавжуд бўлганда, делегатларнинг учдан икки қисми қўллаб-қувватлаганда қабул қилинган ҳисобланади ва кучга киради.

Бундай ҳолда тугатиш комиссияси таркиби ҳудудий бирлашган кўмита фаолиятини тугатиш ҳақида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади.

7.15. Ҳудудий Бирлашган кўмита фаолияти тугатилган ҳолда барча молиявий мажбуриятлар бажарилганидан сўнг қолган мол-мулки ва маблағлари Уставда белгиланган мақсадларга сарфлаш учун Республика Кенгашига ўтказилади.

7.16. Касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Раёсат қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда “Вакиллик институти” жорий этилиши мумкин. Бунда ҳудуд бўйича вакил (масъул ташкилотчи)ни ишга қабул қилиш, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш Республика Кенгаши раисининг фармойиши билан амалга оширилади ва ушбу вакил Республика Кенгаши аппаратининг ходими ҳисобланади.

Ҳудуд бўйича вакил (масъул ташкилотчи) ушбу Устав ҳамда Республика Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланадиган “Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ҳудуд бўйича вакили (масъул ташкилотчиси) тўғрисидаги Низом” асосида фаолият кўрсатади.

VIII. КАСАБА УЮШМАСИ ВА УНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

8.1. Куйидагилар касаба уюшмасининг раҳбар органлари ҳисобланади:

- Курултой – касаба уюшмасининг олий раҳбар органи;
- касаба уюшмаси Республика Кенгаши – Курултойлар оралиғида касаба уюшмасининг доимий фаолият кўрсатувчи коллегиял раҳбар органи;
- Республика Кенгашининг Раёсати – касаба уюшмаси фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял ижро органи (*бундан буён матнда “Раёсат” деб юритилади*);
- касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси – фаолиятини яккабошчилик асосида амалга оширувчи ижро органи;
- тафтиш комиссияси – касаба уюшмасининг молиявий фаолиятини коллегиял назорат органи.

Касаба уюшмаси коллегиял раҳбар, ижро ва назорат органлари, шунингдек касаба уюшмаси раисининг ваколат муддати 5 йил.

8.2. Давлат органларининг мансабдор шахслари, иш берувчилар касаба уюшмаси раҳбар органларининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

8.3. Касаба уюшмаси Курултойи.

8.3.1. Навбатдаги Курултой Республика Кенгаши томонидан беш йилда камида бир марта чақирилади. Курултойни чақириш муддати, вакиллик меъёри, делегатларни сайлаш тартиби ва кун тартиби камида 1 ой олдин эълон қилинади.

8.3.2. Курултой қарорига мувофиқ делегатларнинг ваколатлари навбатдаги Курултойгача сақлаб қолиниши мумкин (навбатдан ташқари Курултой бундан мустасно).

8.3.3. Навбатдаги Курултойни чақириш имконияти бўлмаган тақдирда (фавқулодда ҳолатлар, карантин эълон қилинганда ва бошқа узрли сабаблар) касаба уюшмаси раҳбар органларининг, касаба уюшмаси раиси ўринбосарларининг ваколат муддати ўз-ўзидан узайтирилган ҳисобланади. Бу муддат бир йилдан ошиши мумкин эмас.

8.3.4. Касаба уюшмасининг навбатдан ташқари Курултойи Республика Кенгашининг ўз ташаббуси билан ёки касаба уюшмаси аъзоларининг учдан бир қисмининг талабига, шунингдек касаба уюшмалари Федерациясининг тавсиясига кўра чақирилиши мумкин.

Навбатдан ташқари Курултойни чақириш муддати ва унинг кун тартиби ушбу Уставнинг 8.3.2. бандига мувофиқ делегатларнинг ваколатлари сақлаб қолинган ҳолларда камида 15 (ўн беш) кун, бошқа ҳолларда камида 1 (бир) ой олдин эълон қилинади.

8.4. Курултой куйидаги ваколатларга эга:

- Республика кенгаши, тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш;
- касаба уюшмасининг Устави ва “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- касаба уюшмасини қайта номлаш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- касаба уюшмаси фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилаш, Ҳаракат дастурини ва бошқа дастурий ҳужжатларни қабул қилиш;
- касаба уюшмаси раисини сайлаш;

- Республика Кенгашининг сон жиҳатдан таркибини белгилаш, аъзоларини ва уларнинг захиралари (дублёрлари)ни сайлаш, белгиланган меъёрга мувофиқ ҳудудий Бирлашган қўмиталардан Республика Кенгаши таркибига сайланганларнинг ваколатларини тасдиқлаш;

- Федерация билан келишган ҳолда касаба уюшмаси тузилмасини белгилаш;

- касаба уюшмасининг тафтиш комиссияси раисини ҳамда аъзоларини сайлаш, зарурат бўлганда муддатидан олдин ушбу таркибга ўзгартириш киритиш;

- касаба уюшмаси ҳаракатининг муҳим масалалари, жумладан Республика Кенгаши, Раёсати ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар, мурожаатномалар қабул қилиш;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Курултойига делегатлар, шунингдек, белгиланган квота бўйича Федерация Бош кенгаши таркибига вакилларни сайлаш.

Ушбу банднинг 1-, 3- ва 4-дефисларида кўрсатилган ваколатлар Курултойнинг мутлақ ваколатига киради.

8.5. Курултой ўзининг мутлақ ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатини Республика Кенгашига, Раёсатига бериши мумкин.

8.6. Касаба уюшмаси раиси ва унинг ўринбосари (ўринбосарлари) ўз лавозимларига кўра касаба уюшмаси Курултойи делегати ҳисобланади.

Курултой ҳужжатлари қарор, резолюция, декларация, шунингдек мурожаат шаклида қабул қилиниши мумкин.

8.7. Республика Кенгаши Курултойлар оралиғида касаба уюшмасининг коллегиял раҳбар органи ҳисобланади.

8.7.1. Республика Кенгаши унинг таркибига касаба уюшмасининг ҳудудий бирлашган қўмиталардан тенг миқдорда вакил йўллаш (сайлаш) ёки аъзоларини бевосита Курултойда сайлаш йўли билан шакллантирилиши мумкин.

8.7.2. Касаба уюшмаси раиси ва унинг ўринбосар(лар)и лавозимида кўра Республика Кенгаши таркибига киради.

8.8. Республика кенгаши.

8.8.1. Республика кенгаши қуйидаги ваколатларга эга:

- Уставда белгиланган вазифаларни, тармоқ касаба уюшмаси Курултойи қарорларини бажариш бўйича фаолиятни амалга оширади;

- тармоқ касаба уюшмаси Курултойини чақиради, Курултойга вакиллик меъёри ва уларни сайлаш тартибини, уни ўтказиш билан боғлиқ чоратadbирларни белгилайди;

- Республика Кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида Курултойга ҳисоботини маъқуллайди ва маърузачини тасдиқлайди;

- тармоқ касаба уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларини белгилайди;

- Курултойлар оралиғида Республика Кенгаши аъзоларини (уларнинг дублёрларини) таркибдан чиқариш ва уларнинг ўрнига янги аъзоларни сайлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади, зарур ҳолларда Республика Кенгашининг сон жиҳатдан таркибига ўзгартириш киритади;

- касаба уюшмаси раиси ўринбосар(лар)ини сайлайди ва лавозимидан озод қилади (Республика Кенгаши мажлислари оралиғида раис ўринбосар(лар)ини сайлаш масаласи Раёсат томонидан ҳал қилиниши ҳам мумкин);

- зарурат туғилганда (жумладан, раис бошқа ишга ўтгани, саломатлиги ёмонлашгани, пенсияга чиққани туфайли ўз вазифаларини бажара олмай қолганда) Курултойлар оралиғида касаба уюшмаси раисини лавозимидан озод қилади ва янги раисни сайлайди (бунга зарурат бўлмаганда эса, унинг вазифасини ўринбосар (ўринбосарлардан бири) бажаради);

- Курултой оралиғида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши таркибидан вакиллари чакриб олиш ва уларнинг ўрнига янги вакиллари йўллаш (сайлаш) тўғрисида қарор қабул қилади;

- Республика Кенгаши аъзолари орасидан Раёсат аъзоларини сайлайди, Раёсат аъзоларининг сон таркибини белгилайди;

- тармоқ касаба уюшмасининг халқаро фаолиятини асосий йўналишларни белгилайди, турдош касаба уюшмаларининг халқаро бирлашмаларига аъзо бўлиш ва ундан чиқиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- Устав вазифаларидан келиб чиққан ҳолда хайрия ҳамда бошқа марказлашган жамғармаларини ташкил қилиш ҳақида қарорлар қабул қилиши мумкин.

8.8.2. Республика Кенгаши мажлислари заруратга қараб, лекин йилда камида бир маротаба ўтказилади.

8.8.3. Республика Кенгашининг мажлислари Раёсат қарорига мувофиқ ёки Республика Кенгаши аъзоларининг камида учдан бир қисми талабига кўра чакрилиши мумкин.

8.8.4. Республика Кенгашининг мажлисларини касаба уюшмаси раиси, у бўлмаган вақтда ўринбосари (ўринбосарларидан бири) олиб боради.

8.8.5. Республика Кенгаши мажлисида (Пленумида) кўрилган масалалар бўйича хулосалар қарор шаклида қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

8.8.6. Республика кенгаши Раёсати ваколатларига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши, шунингдек ўзининг айрим ваколатларини Раёсатга, тармоқ касаба уюшмаси раисига бериши мумкин.

8.9. Республика Кенгаши Раёсати.

8.9.1. Раёсат Республика кенгаши Мажлис (Пленум)лари оралиғида касаба уюшмасининг коллегиял ижроия органи ҳисобланади.

8.9.2. Касаба уюшмаси раиси ва унинг ўринбосар(лар)и лавозимига кўра Раёсат аъзоси ҳисобланади.

Шунингдек, Раёсат таркибига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан вакил қилинган 1 (бир) нафар аъзо киритилади.

8.9.3. Раёсат йиғилишлари заруратга қараб, аммо ҳар чорада камида бир марта ўтказилади.

8.9.4. Раёсатнинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- иш берувчилар билан тузиладиган тармоқ келишувлари лойиҳаларини маъқуллаш;

- тармоқ ходимларининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларига доир масалаларни қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда

мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар билан чиқиш;

- вазирлик ва муассасалар билан тармоққа қарашли ташкилотлар ходимлари учун меҳнат шароити, бандлик ва ижтимоий кафолатлар бўйича мажбуриятларни, шунингдек ходимлар ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш масалаларини ўзида акс эттирувчи қўшма қарорлар қабул қилиш;

- ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича тармоқ комиссияларидаги касаба уюшмасининг мухтор вакиллари таркибини тасдиқлаш;

- касаба уюшмасининг меҳнат инспекциясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Республика Кенгашининг мажлисини чақириш, унинг кун тартиби ва ўтказиш жойи, вақти юзасидан таклифлар киритиш, муҳокама қилинаётган масалаларга оид ҳужжатларни тақдим этиш, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил қилиш;

- тармоқ касаба уюшмасининг ҳудудий Бирлашган қўмиталарини ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида Конференцияларни чақириш юзасидан қарорлар қабул қилиш, улар тўғрисидаги низомларни, штат жадвалларини ва ходимларининг иш ҳақи миқдорларини белгилаш;

- касаба уюшмасининг Фахрий ёрлигини, фахрий унвонларини, эсдалик ва кўкрак нишонларини таъсис этиш, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

- касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини давлат мукофотига тавсия қилиш, уларга фахрий унвонлар бериш ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига таклиф киритиш;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишган ҳолда Республика Кенгашининг штатлар жадвалини, даромадлар ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

- касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини ўрганиш мақсадида аудитор ташкилотларни жалб қилиш;

- турдош касаба уюшмаларининг халқаро бирлашмалари органлари таркибига касаба уюшмаси вакилларини йўллаш, чақиртириб олиш;

- касаба уюшмаси ходимларини (касаба уюшмаси марказий аппарати штатидаги ходимлар бундан мустасно) Республика Кенгашининг касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан хорижий хизмат сафарига юбориш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- касаба уюшмаси мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

- касаба уюшмаси марказий аппаратининг иш режасини, марказий аппарат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;

- айрим кечиктириб бўлмайдиган (масалан, лавозимдан озод этиш ҳақида ариза берган, саломатлиги туфайли ўз вазифаларини бажара олмаган ва бошқа) ҳолларда касаба уюшмаси раиси ўринбосар(лар)ини лавозимдан озод қилиш;

- ҳудудий Бирлашган қўмиталарнинг сайланган раҳбарлик лавозимларига номзодларни таклиф қилиш, тармоқ касаба уюшмаси тизимида ҳисобот-сайлов кампаниясини мувофиқлаштириб бориш;

- тармоқ касаба уюшмасининг рамзларини тасдиқлаш;

- тармоқ касаба уюшмаси кадрлари ва фаоллари ўқувларини ташкил қилиш, касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Касаба уюшмалари Федерацияси билан келишган ҳолда, Уставда кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун тижорат ташкилотларини таъсис этиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги тижорат фаолиятларини олиб бориш;

- мурожаат қилинган ҳолларда, ваколати доирасида, касаба уюшмаси ташкилотлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш;

- иш режасига мувофиқ ёки заруратга кўра, бошланғич ташкилотлар, ҳудудий бирлашган кўмиталар фаолиятини ўрганиш ва натижалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш.

Раёсатга Қурултой, Республика Кенгаши томонидан бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам берилиши мумкин.

8.9.5. Раёсат йиғилишларида кўрилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади ва баённома расмийлаштирилади.

8.9.6. Раёсатнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари Республика Кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари, Республика Кенгаши аппаратининг масъул ходимлари ҳамда барча куйи касаба уюшмаси ташкилотлари органлари учун бажарилиши мажбурий ҳужжат ҳисобланади.

8.10. Касаба уюшмаси раиси.

8.10.1. Касаба уюшмаси раиси касаба уюшмасига раҳбарлик қилади, бир вақтнинг ўзида Республика Кенгаши Раёсати раиси ҳам ҳисобланади.

8.10.2. Қурултой номидан касаба уюшмаси раиси билан тузиладиган меҳнат шартномаси Қурултой қарори билан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади.

8.10.3. Касаба уюшмаси раисининг ҳуқуқ ва вазифалари куйидагилардан иборат:

- касаба уюшмаси органлари қарорларининг бажарилишини ташкил қилади ва улар олдида ҳисоб беради;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, халқаро ташкилотларда касаба уюшмаси номидан ишончномасиз иш кўради;

- соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда касаба уюшмаси вакилларининг иштирокини таъминлайди;

- белгиланган тартибда касаба уюшмаси билан келишиш учун киритилган норматив ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларни ўз имзоси билан келишиб беради ёки ўз таклиф ва эътирозларини билдиради;

- ўрнатилган тартибда иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, хорижий касаба уюшма ташкилотлари билан келишувлар, битимлар, меморандумлар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

- ташкилотлар раҳбарларидан ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини камситадиган ёки қонун ҳужжатларига зид қарорлари ижросини бекор қилишни ёки ўзгартиришни талаб қилади;

- зарур ҳолларда касаба уюшмаси номидан баёноتلар беради, тегишли ташкилотларга мурожаатнома ва тақдимномалар йўллайди;

- касаба уюшмаси ва унинг органлари номидан юридик ва жисмоний шахслар билан алоқада ишончномасиз ҳаракат қилади ҳамда мулоқот олиб боради;

- Республика Кенгаши аппаратида ички меҳнат тартибini белгиловчи ҳужжатларни, аппарат ходимларининг лавозим йўриқномаларини (функционал вазифаларини) тасдиқлайди;

- касаба уюшмаси Республика Кенгашининг аппарати ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгатиради, бекор қилади, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллайди, Республика Кенгаши аппаратининг маъмурий-хўжалик фаолиятини таъминлайди;

- касаба уюшмаси раиси ўринбосар(лар)ини сайлаш ёки лавозимидан озод этиш бўйича Республика Кенгашига, лозим бўлганда Раёсатга таклифлар киритади;

- мазкур Уставда белгиланган ваколатлари доирасида фармойишлар чиқаради;

- Республика Кенгаши номидан ишончнома беради;

- Раёсатни чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан мажлисга ҳужжатлар тайёрланиши ва киритилишини назорат қилади;

- Республика Кенгаши ва Раёсати қарорларини имзолайди;

- тармоқ касаба уюшмаси номидан хўжалик ва бошқа шартномаларни тузади;

- тасдиқланган смета ва Раёсат қарорларига мувофиқ мулк ва пул маблағларини тасарруф этади;

- ҳудудий Бирлашган қўмиталарнинг сайланган раҳбарлик (раис, раис ўринбосари) лавозимларига номзодларни таклиф қилиш, уларни лавозимларидан озод этиш ёки уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш таклифини киритиш ҳуқуқига эга.

Республика Кенгаши ёки Раёсат томонидан унга берилган бошқа вазифаларни бажаради.

Касаба уюшмаси раисининг қарорлари фармойишлар шаклида қабул қилинади.

8.11. Тафтиш комиссияси.

8.11.1. Тафтиш комиссияси касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотларда мазкур Устав, тизимда амалда бўлган низом, тартиб, йўриқнома ва норматив ҳужжатларга риоя этилишини, Курултой, Республика Кенгаши, Раёсат қарорлари ижросини, мулкдан самарали фойдаланилишини текширади, тафтишдан ўтказди ва назорат қилади.

8.11.2. Тафтиш комиссияси Республика Кенгашининг ваколатига тенг муддатга Курултойда сайланади.

8.11.3. Тафтиш комиссиясининг фаолияти Курултой қарорига кўра ёки касаба уюшмасининг фаолияти тўхтатилган тақдирда тўхтатилади.

8.11.4. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мустақил бўлиб, Курултой олдида ҳисобдордир.

8.11.5. Курултойлар оралиғида зарурат туғилганда тафтиш комиссияси аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш, жумладан комиссия раисини лавозимидан озод этиш ва янги раисини сайлаш Республика Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг қўшма Мажлиси қарори билан амалга оширилади.

8.11.6. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, мазкур Устав ва Курултой томонидан тасдиқланадиган “Касаба уюшмаси ташкилотларининг тафтиш комиссиялари тўғрисидаги Низом”га амал қилади.

8.12. Касаба уюшмаси Республика Кенгашининг аппарати.

8.12.1. Касаба уюшмаси Республика Кенгашининг аппарати касаба уюшмаси органлари мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш учун шакллантирилади ва доимий асосда фаолият юритади.

8.12.2. Касаба уюшмаси Республика Кенгашининг аппарати ўз фаолиятини Раёсат томонидан тасдиқланадиган регламент асосида амалга оширади.

IX. ҚУРУЛТОЙЛАР, КОНФЕРЕНЦИЯЛАР, САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН РАҲБАР ОРГАНЛАР МАЖЛИСЛАРИ, УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ БЎЛИШИ, УЛАРДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

9.1. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилишлари уларда мазкур бошланғич ташкилотда ҳисобда турган касаба уюшмаси аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

9.2. Касаба уюшмаси Курултойлари, бошланғич ташкилотлар, ҳудудий Бирлашган қўмиталарнинг Конференциялари уларга сайланган делегатларнинг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

9.3. Касаба уюшмаси, бошланғич ташкилотлар, ҳудудий Бирлашган қўмиталар сайлаб қўйиладиган органлари (қўмита, кенгаш, раёсат)нинг мажлис (йиғилиш)лари мазкур сайлаб қўйиладиган орган аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

9.4. Касаба уюшмаси, бошланғич ташкилотлар, ҳудудий Бирлашган қўмиталар органлари (Курултой, қўмита, кенгаш, раёсат)нинг, умумий йиғилишларнинг қарорлари кворум мавжуд бўлгани ҳолда уларда иштирок этган умуми йиғилиш қатнашчилари, делегатлар, сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

Овоз бериш шакли тегишли умумий йиғилиш қатнашчилари, Курултой, Конференция делегатлари, сайлаб қўйиладиган орган аъзолари томонидан белгиланади.

9.5. Умумий йиғилиш, Курултой, Конференция, сайлаб қўйиладиган орган мажлислари (йиғилишлари)да муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинади ва якуни бўйича баённомалар расмийлаштирилади.

9.6. Касаба уюшмаси коллегиял органларининг иш тартиби Республика Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланадиган Регламент асосида белгиланади.

9.7. Зарур ҳолларда касаба уюшмаси Курултойи, Республика Кенгаши ва унинг Раёсати мажлислари видеоконференцалоқа тартибида ўтказилиши мумкин.

9.8. Тезкор равишда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бўйича Республика Кенгаши ҳамда унинг Раёсати қарорлари уларнинг лойиҳаларига розилик белгиси (виза) қўйиш орқали, жумладан, электрон рақамли имзо, почта, электрон ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Х. ТИЗИМДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ВА КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТ МУДДАТЛАРИ

10.1. Тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич ташкилотлар, ҳудудий Бирлашган қўмиталарда ҳисобот-сайлов йиғилишлари, Конференциялари, шунингдек касаба уюшмасининг Курултойи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ваколатли органи қарори асосида Республика Кенгаши (Раёсат) қарори билан белгиланган муддатларда ўтказилади.

10.2. Мазкур жараёнда сайланган касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчилари, цех қўмиталари раислари, касаба уюшмаси ташкилотчилари, бошланғич ташкилотлар, ҳудудий Бирлашган қўмиталар шунингдек касаба уюшмасининг коллегиял раҳбар, ижроия ва назорат органлари, уларнинг раислари ҳамда раис ўринбосарлари ваколат муддати 5 йил.

10.3. Ҳисобот-сайлов кампаниялари оралиғида ташкил этилган бошланғич ташкилотлар, ҳудудий Бирлашган қўмиталарда навбатдаги ҳисобот-сайлов кампанияси жараёнида, умумий тартибда, ҳисобот-сайлов йиғилишлари, Конференциялари ўтказилади ва коллегиял раҳбар, ижроия, назорат органлари, шунингдек уларнинг раислари (раис ўринбосарлари) сайланади.

10.4. Ушбу қоида навбатдаги ҳисобот-сайловлар оралиғида бошланғич ташкилотлар, ҳудудий Бирлашган қўмиталарнинг коллегиял раҳбар, ижроия, назорат органлари таркибига сайланган аъзоларига, шунингдек уларнинг раислари (раис ўринбосарлари)га нисбатан ҳам татбиқ этилади.

10.5. Форс-мажор ҳолатларида ёки қонунчиликда белгиланган бошқа чекловлар жорий қилинганда, шунингдек бошқа узрли ҳолатларда касаба уюшмаси Республика Кенгаши (Республика Кенгаши Раёсати)нинг қарорига мувофиқ бошланғич ташкилотлар, ҳудудий Бирлашган қўмиталар, шунингдек касаба уюшмаси раҳбар, ижроия ва назорат органларининг, уларнинг раҳбарлари ҳамда раҳбар ўринбосарларининг ваколат муддатлари узайтирилиши мумкин.

XI. КАСАБА УЮШМАСИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

11.1. Барча даражадаги касаба уюшмаси ташкилотларида сайлаб қўйилган лавозимга сайлангани муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилган шахслар, шунингдек, касаба уюшмаси ташкилотлари аппаратларида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимлар билан меҳнат муносабатлари

меҳнат тўғрисидаги қонунлар, жамоа шартномалари ва келишувлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

11.2. Сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимлар билан тегишли сайлаб қўйиладиган органнинг ваколат муддатига тенг муддатга меҳнат шартномалари (контракт) тузилади. Меҳнат шартномаси тегишли орган ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

11.3. Штатдаги касаба уюшмаси ходимларининг шахсий ҳужжатлари йиғмажилди ва меҳнат дафтарчалари ходимлар билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган касаба уюшмаси ташкилотида сақланади.

ХII. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

12.1. Касаба уюшмаси ва унинг тузилмасидаги ташкилотлари Уставдаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ўзига тегишли мулки ва маблағларига эгалик қиладилар, улардан фойдаланадилар, белгиланган тартибда сарфлайдилар.

12.2. Касаба уюшмаси ва унинг тузилмасидаги ташкилотларининг мулки ва маблағлари касаба уюшмаси аъзоларининг ҳар ойлик аъзолик бадаллари, ихтиёрий мулкӣ бадаллар ва хайриялар, қонунларда белгиланган тартибда тадбиркорлик, хўжалик ва бошқа тижорат фаолиятдан олинган, Устав мақсадларига йўналтирилувчи даромадлар, ижтимоий, маданий, маънавий-маърифий, туризм, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўтказиладиган, шунингдек қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади.

Касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ва бошқа манбалардан тушган маблағлар маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларига, туризм йўналишига, касаба уюшмаси аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантиришга, касаба уюшмаси органларида ишлайдиган ходимларга ҳақ тўлаш ва амалдаги қонунчилик доирасида бошқа Устав мақсадлари учун сарфланади.

12.3. Иш берувчилар касаба уюшмаси ташкилотига жамоа шартномасида, келишувида белгиланган мақсадлар учун ва миқдорларда маблағлар ўтказиши мумкин.

Иш берувчилар, корхона ва ташкилотлар касаба уюшмаси ва унинг бўлинмалари балансига ходимларни қўллаб-қувватлаш, касаба уюшмасини рағбатлантириш ва унинг салоҳиятини ошириш мақсадида ўзларининг бадансида бўлган объектлар, бино ва иншоотлар, асосий воситалар, активларни бегараз ўтказиб бериши мумкин.

12.4. Касаба уюшмаси ва унинг бўлинмалари Устав фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган қимматбаҳо қоғозлар, акция ва бошқа мулклар сотиб олиш ҳуқуқига эга.

12.5. Касаба уюшмаси ва унинг бўлинмалари белгиланган тартибда ўзларининг мустақил баланси, банкларда ўз ҳисоб варақаларига (шу жумладан,

ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган бадалларга, миллий ва хорижий валютада) эга бўлишлари мумкин.

12.6. Касаба уюшмаси аъзоларининг ҳар ойлик бадаллари қуйидагича йиғилади:

- ходимлардан, шу жумладан, мавсумий ва ўриндошлик асосида ходимлардан иш жойида барча турдаги иш ҳақлари, стипендия, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига кирувчи қўшимча тўлов, мукофотлардан бир фоиздан кам бўлмаган миқдорда;

- пенсионерлардан пенсия миқдорининг ёки республикада белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорида;

- вақтинча ишламайдиганлардан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорида.

Касаба уюшмаси аъзоси аризасига асосан ўз хоҳиши билан белгиланган миқдордан ортиқ бадал тўлаши мумкин.

12.7. Касаба уюшмаси қўшимча молиявий маблағларни ишлаб топиш ва келгусида улардан касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек қўшимча иш ўринлари яратиш учун фойдаланиш мақсадида белгиланган тартибда ишлаб чиқариш, хўжалик, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши, суғурта компанияси ва акциядорлик жамияти, мақсадли жамғармалар ва бошқа ташкилотларни ташкил этиши мумкин. Мазкур фаолиятдан тушган даромад, шунингдек касаба уюшмасининг мулки, миллий ва чет эл валютасидаги маблағлари аъзолар ўртасида тақсимланмайди ва Устав мақсадларига сарфланади.

12.8. Касаба уюшмаси маблағларини мақсадли ва самарали сарфлаш тартиби Республика Кенгаши қарори билан белгиланади. Касаба уюшмасининг барча органлари учун ушбу тартибни бажариш мажбурийдир. Молиявий интизомга амал қилмаган касаба уюшмаси органлари раҳбарлари, масъул шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Касаба уюшмаси ва ҳудудий Бирлашган қўмиталари органлари раҳбарлари, масъул шахслари томонидан содир этилган қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда, ушбу шахслар ҳатти-ҳаракати натижасида вужудга келган камомад ва мажбуриятлар бўйича касаба уюшмаси жавобгар бўлмайди.

12.9. Касаба уюшмасининг Марказий аппарати, бошланғич ташкилотлари, ҳудудий Бирлашган қўмиталари, шунингдек тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг маблағлари ва мол-мулклари касаба уюшмасининг умумий мулкидир.

Касаба уюшмаси ҳудудий Бирлашган қўмиталари ва тасарруфидаги ташкилотлар тугатилганда ёки касаба уюшмаси аъзоси унинг сафидан чиққанда касаба уюшмаси маблағлари ва мол-мулки бўлинмайди ва қайтариб берилмайди.

12.10. Касаба уюшмаси мулки объектларига бинолар, иншоотлар, ер участкалари, механизмлар, жиҳозлар, транспорт ва техника воситалари, инвентарь, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган мулк, турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, маблағлар, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар, корхоналар ва хўжаликлар, оммавий ахборот воситалари,

босмаҳоналар, санаторий-курорт, дам олиш уйи, соғломлаштириш, спорт, ўқув муассасалари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, интеллектуал мулк, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мол-мулклар киради.

12.11. Касаба уюшмасининг мулки дахлсиздир ва у қонун билан қўриқланади. Унинг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

12.12. Касаба уюшмаси ўз мулкига нисбатан қонунга ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, жумладан, ҳомийлик ва молиявий ёрдам маблағларини ажратишга, ўз мулкни ажратиб беришга, мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга, сотишга, мулкни гаровга қўйишга, ундан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақли.

Касаба уюшмаси мулкнинг шаклини ўзгартириш, тасарруф этиш масаласи қонун билан ўрнатилган тартибда, мазкур Уставда белгиланган ваколатлар доирасида касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Раёсати томонидан ҳал этилади.

12.13. Касаба уюшмаси мулкни ишончли бошқариш учун бошқа шахсга (ишончли бошқарувчига) берилиши, мулкий ҳуқуқларнинг ўтишига асос бўлмайди, ишончли бошқарувчи касаба уюшмаси манфаатларини ҳисобга олиб мулкни бошқариши шарт.

12.14. Касаба уюшмаси, унинг ҳудудий Бирлашган қўмиталари ва тасарруфидаги ташкилотлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати қарори (рухсати) билан ёки ваколат берилган касаба уюшмаси бўлинмаси коллегиял органининг қарори (рухсати) билан мол-мулк ва активлар (бино ва иншоотлар, қурилмалар, автотранспорт воситалари, турли қимматбаҳо аппаратура ва техника воситалари ва ҳоказо)ни сотиб олиши мумкин.

12.15. Касаба уюшмаси, унинг ҳудудий Бирлашган қўмиталари ва тасарруфидаги ташкилотлари қонунчиликда тақиқланмаган тарзда ҳар қандай мол-мулкни ҳада (беғараз) равишда қабул қилиб олиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзолари ва бошқа ташкилотлар касаба уюшмасига берган мол-мулкига ва аъзолик бадалларига эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолмайдилар.

12.16. Касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотлари, ҳудудий Бирлашган қўмиталари балансидаги активлари, мол-мулклар устидан жорий бошқарувни (эгалик қилиш ҳуқуқисиз) амалга оширади.

Касаба уюшмаси мол-мулклари ва активлари (бино ва иншоотлар, қурилмалар, автотранспорт воситалари, турли қимматбаҳо аппаратура ва техника воситалари ва ҳоказо) касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати қарори билан ҳисобдан чиқарилиши, сотилиши, ижарага берилиши ёки вақтинча фойдаланишга ёхуд беғараз берилиши мумкин.

ХIII. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТИ

13.1. Касаба уюшмаси ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, давлат солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

13.2. Барча касаба уюшмаси органлари ўзларини сайлаган органлар ҳамда аъзолар олдида ҳисоб бериб борадилар.

XIV. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ХУҚУҚЛАРИ

14.1. Касаба уюшмаси юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг белгиланган намунадаги муҳри, штамп, бланklarига, шунингдек банкларда ўз ҳисоб рақамларига эга.

Касаба уюшмасининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари Уставда белгиланган ваколатлар доирасида касаба уюшмаси органлари ва мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

14.2. Касаба уюшмаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ўз рамзлари (тимсоли)га эга бўлиши мумкин.

XV. КАСАБА УЮШМАСИ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу Уставга касаба уюшмаси Курултойи томонидан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Курултой оралиғида Уставга қўшимча ёки ўзгартиришлар Республика Кенгаши томонидан амалга оширилиши мумкин.

Уставга киритилган барча ўзгартиш, қўшимча ва тугатишлар белгиланган тартибда қайта давлат рўйхатидан ўтказилади.

XVI. КАСАБА УЮШМАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

16.1. Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш, (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ёки тугатиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси Курултойида қабул қилинади. Кворум мавжуд бўлган ҳолда Курултойда қатнашаётган делегатларнинг 2/3 қисми ёқлаб овоз берганда, қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

16.2. Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

16.3. Касаба уюшмасини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, тугатувчи орган қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди, шунингдек кредиторлар талаблари каноатлантирилгандан сўнг қолган мулкни касаба уюшмаси Уставига мувофиқ қайси мақсадга йўналтиришни белгилайди.

16.4. Касаба уюшмаси фаолиятини тўхтатиш, шунингдек касаба уюшмасини тугатиш қонунда белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

Касаба уюшмасининг фаолиятини давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ташаббусига кўра тугатишга йўл қўйилмайди.

16.5. Касаба уюшмаси тугатилган ҳолда унинг ҳужжатлари белгиланган тартибда архив ташкилотларига сақлаш учун топширилади.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Мазкур Устав талабларини бажариш касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотлар учун мажбурийдир. Ушбу Устав қоидаларини Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас.

17.2. Мазкур Устав бўйича юқори турувчи орган қарор қабул қилиш давомида бўйсунув бўйича қуйи турувчи орган ваколатларига доир масалаларни ҳам ҳал этиши мумкин.

Юқори турувчи орган бўйсунув бўйича қуйи турувчи органнинг қонун ва мазкур Устав талабларига зид қарорларини қайта кўриб чиқиш учун тегишли орган ёки ваколатли шахсга юбориши, коллегиял органлар ваколатига доир масалалар юзасидан эса унинг навбатдан ташқари йиғилишини белгиланган тартибда чақириши мумкин.

17.3. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда қуйи турувчи органнинг қонун ва Устав талабларига зид қарорлари юқори турувчи орган томонидан ўзгартирилиши, қисман ёки тўлиқ бекор қилиниши мумкин.

17.4. Устав қоидалари талқинини бериш Республика Кенгаши ваколатига, Республика Кенгашининг Мажлислари оралиғида эса Республика Кенгаши Раёсатининг мутлоқ ваколатига киради.

Республика Кенгаши раиси



А.Мусаев



Тикидан ва муҳримган

31
31-декабрь
31-декабрь
31-декабрь

